ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРРАҚҚИЁТИДА ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Ж.Ҳасанов

Мақолада XX асрнинг 30-60-йилларида Ўзбекистонда Фанлар академиясининг ташкил этилиши, ривожланиш жараёнлари ва академия тараққиётида Ҳабиб Муҳаммедович Абдуллаевнинг тутган ўрни ва роли масаласи янги манбалар асосида атрофлича ёритилган.

Калит сўзлар: *фанлар академияси, илмий тадқиқот муассасалари, миллий илмий кадрлар, илмий ходим, фан номзоди, фан доктори.*

В статье освещаются вопросы организации Академии наук Узбекистана и её развития в 30-60 годах XX века. А также изучены роль и место Хабиба Абдуллаева в развитии Академии наук Уз ССР.

Ключевые слова: *академия наук, научно-исследовательский институт, национальные научные кадры, научный сотрудник, кандидат наук, доктор наук.*

The article is devoted to the organization of the Academy of Sciences of Uzbekistan and its development in the 30-60 years of the twentieth century. Also, the role and place of Habib Abdullaev in the development of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR was studied.

Key words: *Academy of Sciences, research institutes, national scientific cadres, research associate, candidate of science, doctor of science.*

Мустақиллик шароитида республикамиз ҳукуматининг Ўзбекистонда илм-фанни ривожлантириш борасида қабул қилган кўплаб қарорлари асосида республикамизда илм-фан ва маданият янада равнақ топиб бормоқда. XX асрнинг 50-60-йилларида ҳам Ўзбекистон совет мустамлакачилиги остида бўлишига қарамай, халқимиз ичидан етишиб чиққан фидоий илм аҳли саъй-ҳаракати билан Ўзбекистонда фаннинг турли тармоқлари тараққий этган эди. Фанимизнинг шундай фидойиларидан бири Ҳабиб Муҳаммедович Абдуллаевдир. Унинг Республика илм-фани ривожи, Фанлар академияси фаолиятида тутган ўрни ва ролининг нақадар катта экани олимнинг 60 йиллиги (1972), сўнг 70 йиллиги (1982) муносабати билан ўтказилган илмий анжуманлар, тантанали маросимларда Ўзбекистон, шунингдек, қўшни собиқ иттифоқдош республикаларнинг таниқли олимлари ва давлат арбоблари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларида ҳам бир неча бор таъкидланди.

Айниқса, мустақиллик йилларида олимнинг илмий меросига қизиқиш, унинг Ўзбекистон фани тараққиётига қўшган ҳиссасини кенг тарғиб этиш, ўрганишга эътибор янада ошди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 20 июлдаги «Ҳ.М.Абдуллаев юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори бунга мисол бўла олади. Қарорда олимнинг республика тараққиётидаги хизматлари юксак баҳоланиб, унинг 80 йиллик юбилейини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилгани ҳам бежиз эмас [1.1]. Мазкур қарор доирасида, жумладан, Ҳабиб Абдуллаев номини абадийлаштириш мақсадида пойтахтдаги метро бекатларидан бирига унинг номи берилди. Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш кучларини ривожланишга олиб келган улкан илмий ютуқлари учун илмий тадқиқотчилар ва олимларни қўллаб қувватлаш мақсадида Ҳабиб Абдуллаев номидаги диплом ва медаль таъсис қилинди. Шунингдек, Тошкент давлат Техника университети иқтидорли талабалари учун Ҳабиб Абдуллаев номидаги давлат стипендияси белгиланди, қатор илмий анжуманлар ташкил этилиб, радиода эшиттиришлар, телевидениеда кўрсатувлар ва махсус ҳужжатли фильмлар яратилди.

Олимнинг 80 йиллик юбилейига бағишлаб 1992 йил 3 октябрда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида ўтказилган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов Ҳабиб Абдуллаевнинг илм-фан ва республика ижтимоий-иқтисодий тараққиётига қўшган ҳиссасини алоҳида таъкидлаб ўтди [2.1]. Мазкур анжуманда ўзбекистонлик ва хорижлик олимлар, давлат ва жамоат арбоблари иштирок этиб, олимнинг илмий меросига юксак баҳо берилди. Чиғатой қабристонида Ҳабиб Абдуллаев ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Қадимдан илм-фан марказларидан бири бўлган юртимиз ҳудудида 1924 йил Ўзбекистон Республикаси ташкил этилгач, бир қатор илмий муассасалар фаолияти қайта йўлга қўйилди. Хусусан, Тропик тиббиёт институти (1924), Тиббий паразитология ва гелъминтология илмий текшириш институти (1924), Сув хўжалиги тажриба тадқиқот институти (1926), Ўзбекистон ветеринария институти (1926), Ўзбекистон педиатрия институти (1927), Ўрта Осиё пахтачилик институти (1929), Ўрта Осиё ипакчилик институти (1929), Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги институти (1930), Ўрта Осиё қидирув геология институти (1931) каби илмий текшириш институтлари фаолиятлари йўлга қўйилди [3.389].

Натижада илмий текшириш муассалари тармоғи ва илмий кадрлар сонининг жадал ўсиши, олимлар олдига янги вазифаларнинг қўйилиши уларнинг ишларига раҳбарлик қилишни, мувофиқлаштиришни ва такомиллаштиришни талаб қилди. Шу мақсадда 1932 йил 11 октябрда илмий текшириш муассасаларига раҳбарлик қилувчи Ўзбекистон Фан қўмитаси ташкил этилди. 1940 йил 9 январда эса Фан қўмитаси негизида СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиали очилди. Унинг таркиби Геология, Ботаника, Кимё, Сув хўжалиги муаммолари (1941 йилдан Энергетика институти), Тарих, Тил ва адабиёт, Тупроқшунослик, Зоология, Физика-математика институтлари ҳамда бир қатор илмий сектор ва бўлимлардан иборат 60 дан ортиқ илмий текшириш муассасаларини ўз ичига олган эди [4.8].

Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки йилларидаёқ СССР Фанлар академиясининг бирмунча ривожланган тармоқлари фаолият кўрсатувчи республикаларнинг душман томонидан оккупация қилингани илм-фан соҳасидаги айрим вазифаларни академиянинг Ўзбекистондаги филиалига юклашни тарихий заруратга айлантирди. Зеро, ана шундай оғир вазиятда Ўзбекистон нафақат бошпанасиз аҳолини ҳамда саноатни эвакуация қилиш мумкин бўлган қулай ҳудуд, балки илмий муассасалар ва кадрлар салоҳияти бўйича ҳам СССР Фанлар академияси ва СССР Халқ Комиссарлар Совети ишончини оқлар эди.

Албатта, Ўзбекистондаги бир гуруҳ зиёлилар ва республика ҳукумати Ўзбекистонда Фанлар академиясини ташкил этиш мақсадида марказга бир неча бор хат билан мурожаат қилган бўлсалар-да, мазкур масала ўз ечимини топмаётган эди. Ниҳоят, Ўзбекистонда Фанлар академиясини ташкил этиш масаласи Ўзбекистон К(б)П Марказий Қўмитаси ва Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Совети томонидан юқори марказий давлат ва ҳукумат органлари олдига қўйилди. Натижада СССР Халқ Комиссарлар Совети 1943 йил 27 сентябрда Ўзбекистон ССРда Фанлар академиясини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Унинг асосида И.В.Сталин «Ўзбекистон ССР Фанлар академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорни имзолади [5.3]. 1943 йилнинг ноябрь ойида расман Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилгани эълон қилинди [6.41].

Ўшанда академия таркиби 10 та илмий текшириш институтидан иборат бўлиб, унда жами 210 та илмий ходим, жумладан, 28 нафар фан доктори ва 80 нафар фан номзоди меҳнат қиларди.

Бу ёш академия фаолиятининг дастлабки босқичи 1943-1956 йилларни ўз ичига қамраб олган эди. Ҳабиб Абдуллаевнинг ҳаёти ва илмий-ташкилий фаолияти академия билан чамбарчас боғлиқ эди. Олимнинг Фанлар академиясидаги фаолиятини икки даврга бўлиш мумкин:

биринчи давр – 1943-1956 йиллар;

иккинчи давр – 1956-1962 йиллар.

Биринчи даврда олим Фанлар академияси Геология институти директори, Фанлар академияси вице-президенти сифатида иш олиб борди. Иккинчи даврда эса Ўзбекистон Фанлар академиясига раҳбарлик қилиб, академиянинг ва айни пайтда республика илм-фанининг ривожига ўзининг улкан ҳиссасини қўшди.

1956 йил 6 октябрда ўтган йиллик йиғилишида Ҳабиб Абдуллаев бир овоздан Ўзбекистон Фанлар академияси президенти этиб сайланди. Олимнинг Фанлар академиясига раҳбар этиб сайланиши академия фаолияти ва республикада илмий кадрлар тайёрлаш борасида амалга оширилган ишлар ривожида муҳим давр бўлди.

Ҳабиб Абдуллаев бутун республика фани ва Фанлар академияси олдида турган мамлакат тараққиёти учун зарур, долзарб вазифаларни англаган ҳолда уларни ҳаётга татбиқ этишга астойдил киришди. У академия эътиборини республика фанининг қуйидаги долзарб масалалари, илмий йўналишларини ҳал қилишга жалб этди:

- пахта етиштириш масалаларини механизациялаш;

- суғориладиган экин ерлар мелиорациясини яхшилаш;

- республика халқ хўжалигининг барча тармоқларини комплекс ва рационал равишда ривожлантириш;

- мамлакат табиий ресурсларини чуқур ўрганиш;

- қишлоқ хўжалигида автоматика ва телемеханика усулида бошқарувни жорий қилиш;

- янги хил хом ашёлар ва уларнинг ўрнини боса оладиган эффектив материалларни қидириб топиш [7.2].

Белгиланган бу вазифалар ўша давр нуқтаи назаридан мамлакат иқтисодиёти ва хўжалигини ривожлантиришнинг асосий омиллари ҳисобланган, улар ҳатто бугунги кунда хам ўз аҳамиятини йўқотганича йўқ.

Ҳабиб Абдуллаевнинг президентлик йилларида СССР Фанлар академияси билан ҳар томонлама алоқалар фаоллашди ва кенгайди. Кўплаб ўзбекистонлик ёшларни Москва, Ленинград (Санкт-Петербург), Киев, Минск, Новосибирск, Боку каби бир қатор шаҳарлардаги йирик илм даргоҳларига аспирантурага, докторантурага ва илмий тажрибалар ошириш учун хизмат сафарларига доимий юбориб туриш кенг йўлга қўйилди.

Фанлар академияси тизимида аспирантлар сони ўн баробар кўпайтирилди. Нафақат Фанлар академияси, балки республика учун зарур турли фан соҳалари бўйича малакали кадрлар тайёрлаш масаласига катта эътибор қаратди. Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарлардаги илм-фан марказларига аспирантура ҳамда докторантурага ўқишга, малака ва кўникмалар ошириш учун хизмат сафарларига юбориш кенг йўлга қўйилди.

Ҳабиб Абдуллаевнинг илмий кадрлар тайёрлаш соҳасида олиб борган фаолияти албатта ўзининг ижобий натижасини берди. Олимнинг ҳамкасблари таъкидлашларича, унинг маслаҳати ва ёрдами билан юзлаб ёш кадрлар фанда ўз йўлини топиб йирик олим бўлиб етишганлар [8/62-63].

1960 йиллар бошига келиб Фанлар академияси илмий фаолиятида аниқ ва табиий фанлар ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳалари билан бирга ижтимоий фан соҳалари – тарих, тил ва адабиёт, шарқшунослик, иқтисодиёт, ҳуқуқ каби фан йўналишларига ҳам жиддий эътибор қаратилганини сезиш мумкин.

Шу билан бирга ўзбек халқининг бой тарихи, Ўрта Осиёлик алломаларнинг илмий ёзма мероси ва уларни ўрганиш борасида Ўзбекистон Фанлар академиясида олиб борилган тадқиқотларга ҳам алоҳида урғу бериб ўтиш эътиборга молик [9.5-6]. Зеро, бу пайтга келиб, Фанлар академияси таркибида Тарих, Тил ва адабиёт, Шарқшунослик, Фалсафа ва ҳуқуқ ҳамда Иқтисодиёт институтларида илмий тадқиқотлар олиб борилди. Бироқ совет тузуми шароитида Марказий Осиё республикаларида маданий ёдгорликларнинг барча кўринишларини маънавий мерос сифатида ўрганиш «миллатчилик»ни келтириб чиқариш билан баҳоланар ва бу борадаги ишлар партиянинг ғоявий-тарғибот-ташвиқот органлари назорати остида эди.

Таъкидлаш жоизки, Ҳабиб Абдуллаевнинг Фанлар академиясида, ўз даврида уни танқид остига олган турли тафтишчилар тили билан айтганда, «ўзбошимчалик билан», ҳаққоний баҳо берганда, халқнинг фидойи фарзанди сифатида олиб борган фаолияти республика ва иттифоқдаги совет раҳбарияти эътиборидан четда қолмади. Албатта, бунда олимга ҳасад билан қаровчи замондошларининг имзосиз мактублари ҳам маълум таъсирини ўтказган.

Архив ҳужжатлари маълумотларига қараганда, Ҳабиб Абдуллаевга асоссиз бир қатор айбловлар қўйилган бир қанча имзосиз мактублар юзага келган. Республика раҳбариятидаги айрим шовинист кимсалар Фанлар академиясида махсус комиссия тузиб текширув ишларига раҳнамолик қилганлар. Тез орада 1960 йил март-апрель ойларида олиб борилган текширувлар натижасида битилган маълумотнома 1961 йил 29 июнда (комиссия аъзолари Г.Султонов, А.Пос-

пелов, М.Аношкин ва С.Бирюков) Ўзбекистон КП МҚ иккинчи секретари Ф.Е.Титовга юборилган [10.22].

Комиссия томонидан 1958 йил 12 мартдан 1960 йил 26 апрелгача бўлган оралиқда 39 та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилингани аниқланиб, шундан 22 таси ўзбек, 6 таси рус, 4 таси тожик, 2 та қозоқ, 3 та татар, 2 та яҳудий миллатига мансуб бўлгани «миллатчилик» сифатида баҳолаб ўтилади [10.25]. Албатта, ўша йилларда Ҳабиб Абдуллаев ва вице-президент И.Мўминовни миллатчиликда айблаш учун етарли асослар йўқ эди. Сабаби, шу йилларда Фанлар академиясида маҳаллий миллат вакиллари жами илмий ходимларининг 45 %ини ташкил қилар эди.

Комиссия Фанлар академиясининг нашрий фаолиятида ҳам миллатчилик рўй берган деган хулосага келган. Бунга 1959 йилда «Известия АН УЗ ССР (общественных наук)» хабарномасида 147 муаллифнинг 200 та мақола, илмий ахборот, тақризлари чоп қилинган бўлса, муаллифларнинг 97 нафари ўзбек, 35 нафари рус, 2 нафари қорақалпоқ, 5 нафари татарлар бўлгани дастак қилиб олинган [10.28].

Комиссия хулосасида Ҳабиб Абдуллаев Фанлар академияси раҳбари сифатида давлат мулкини талон-тарож қилганликда, академия маблағларини кўр-кўрона сарфлаганликда ҳам айбланган.

Махсус комиссия текширувларига асосланиб ЎзКП МҚ бюроси ўзларининг «холис» ҳисоботларидан келиб чиқиб, қуйидагиларни таклиф қилди:

Биринчидан, турар жойидан ташқари данғиллама уй солиб олган Ҳ.Абдуллаев, И.Мўминов, академик котиб Х.Ф.Фозилов, академиклар У.Арифов, М.Т.Ўразбаев, Президент ёрдамчиси С.А.Азизов ва бошқаларнинг турар жойларини 10 кун муддат ичида Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси коммунал фондига ўтказиш.

Иккинчидан, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Фанлар академиясидаги ходимлар штатини тартибга солиш, аслида бўлмаган штатлар натижасида келиб чиққан молиявий зарарлар бўйича тегишли ходимларга чоралар кўриш.

Учинчидан, жорий йилнинг сентябрь ойида муддатдан олдин Фанлар академияси Президиумида президентликка сайловни ўтказиш.

Тўртинчидан, Ўзбекистон КП МҚнинг фан, олий ўқув юртлари ва мактаблар бўлимига Фанлар академияси илмий ходимлари орасида партиявий ғоявий тадбирларини кучайтирилган тартибда ишлаб чиқиш.

Албатта, бунда ўша кезларда дунё геолог олимлари орасида шуҳрат топиб бораётган Ҳабиб Абдуллаевга бўлган шахсий ғараз ҳам бўлмаганига ишониш қийин. Буни олимнинг шахсий ҳаёти, танишбилишлари, молиявий аҳволи ипидан игнасигача кўриб чиқилганидан ҳам билиш мумкин. Бўлиб ўтган ишлар олимнинг соғлиги, руҳиятига салбий таъсир ўтказди. Ўзбекистон КП(б) МҚ бюросининг 1962 йил 22 январдаги мажлисида Ҳабиб Абдуллаев касаллиги сабабли Фанлар академияси президенти лавозимидан озод қилинди [10.45].

Кўриниб турибдики, Урушдан кейинги йилларда Ҳабиб Абдуллаев бутун куч-ғайратини Ўзбекистонда, айниқса, Фанлар академиясида илм-фанни ривожлантиришга қаратди. У вице-президент, сўнг президент сифатида Фанлар академияси фаолият кўламини кенгайтириш ва фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратди, бу борада сезиларли ютуқларга эришди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳ.М.Абдуллаев юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги» Қарори // Халқ сўзи.- 1992.- 22 июль.

2. Алломани шарафлаб // Ўзбекистон овози.- 1992.- 6 октябрь.

3. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 12-жилд. - Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. -Б.389.

4. Академии наук Узбекистана 50 лет. – Т., 1993.- С.8.

5. Ўз ССР Фанлар академияси бюллетени.- 1944.- №1-4.- Б.3.

6. ЎзР МДА. 837- жамғарма, 3-рўйхат, 3745-иш.- 41 варақ.

7. Ҳабиб Абдуллаев нутқи // Қизил Ўзбекистон.- 1959.- 11 январь.

8. Тўрақулов Ё. Улуғ олим ва фан ташкилотчиси // Хизр назар қилган олим. (Академик Ҳ.М.Абдуллаев таваллудининг 80 йиллигига бағишланади). – Т.: Фан, 1992.- Б.62-63.

9. Говорят президенты // Наука и жизнь.- 1960.- №10.- С.5-6.

10. ЎзР ПДА. 58-фонд, 226-рўйхат, 18-иш. 22-45 варақлар.

Адижон давлат университети,
2017 йил 6 январда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. С.Ҳошимов)